Ходимлар ойлик иш ҳақи.

№	Лавозими	Сони	Бир ойлик иш хаки (минг сўм)	Бир ойда (минг сўм)	Бир мавсумда - 4 ой (минг сўм)
1	Бошлик	1	700	700	2 800
2	Хисобчи	1	700	700	2 800
3	Ишчилар	2	700	1 400	5 600
	Жами :	**4**		**2 800**	**11 200**

Ишлаб чиқариш даромад ва харажатлари

	Кўрсатгич	Ўл-чов бир-лиги	Мик - дори	Нархи (минг сўм)	1 ойда (минг сўм)	1 мавсум - 4 ой (минг сўм)
1	Ишчилар сони	Ки ши	4		2 800	11 200
	Шу жумладан					
	Иш хаки фонди 12% ажратма	сўм			336	1 344
	Иш хақи фондидан даромад солиғи 12 %	сўм			336	1 344
2	Бошқа харажатлар	сўм				4 259
	Жами харажатлар	**сўм**				**15 659**
	Махсулот сотувидан тушган маблағ					
1	Доривор махсулот	тн	2	40		80 000
	Махсулот уруғи	кг	100	15		1 500
	Жами					**81 500**
2	Солиқ – умумий тушумдан 4 %	сўм				3 135
	Соф фойда					**62 706**

Савдо-саноат палатасининг марказий аппарати
Тошкент ш 10047, А. Темур шох к. 4
Тел: 71 150-60-06
Ишонч телефон 1094
Web-site: www.chamber.uz
E-mail: info@chamber.uz

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш. А.Темур к. 112 А уй
Тел: (0-361) 770-71-01
Факс: (0-371) 770-71-01
E-mail: qr@chamber.uz

Андижон вилояти
Андижон ш. А.Навоий к. 122 уй
Тел: (0-374) 298-11-01
Факс: (0-374) 298-11-01
E-mail: an@chamber.uz

Бухоро вилояти
Бухоро ш. Мустакиллик к. 1А уй
Тел: (0-365) 770-11-01
Факс: (0-365) 221-59-06
E-mail: bx@chamber.uz

Жиззах вилояти
Жиззах ш. Ш.Рашидов к. 14 уй
Тел: (0-372) 771-11-01
Факс: (0-372) 226-24-47
E-mail: jz@chamber.uz

Қашқадарё вилояти
Қарши ш. Мустакиллик к. 22 уй
Тел: (0-375) 771-11-01
Факс: (0-375) 227-78-16
E-mail: qr@chamber.uz

Навоий вилояти
Навоий ш. Меъморлар к. 33 уй
Тел: (0-436) 770-31-01
Факс: (0-436) 770-31-01
E-mail: nv@chamber.uz

Наманган вилояти
Наманган ш. У.Носир к. 7 уй
Тел: (0-369) 227-21-01
Факс: (0-369) 227-27-54
E-mail: na@chamber.uz

Самарқанд вилояти
Самарқанд ш.
А.Навоий к. 58 уй
Тел: (0-366) 210-11-01
Факс: (0-366) 210-11-01
E-mail: sn@chamber.uz

Сурхондарё вилояти
Термиз ш.
Ат-Термизий к. 2 уй
Тел: (0-376) 298-11-01
Факс: (0-376) 298-11-01
E-mail: sd@chamber.uz

Сирдарё вилояти
Гулистон ш.
Қаҳрамонлар к. 1 уй
Тел: (0-367) 235-02-81
Факс: (0-367) 235-02-81
E-mail: sr@chamber.uz

Тошкент вилояти
Тошкент ш.
Қора-су йўли к. 118 уй
Тел: (0-371) 202-21-21
Факс: (0-371) 150-91-01
E-mail: tv@chamber.uz

Фарғона вилояти
Фарғона ш.
Б.Марғилоний к. 58 уй
Тел: (0-373) 244-52-87
Факс: (0-373) 244-60-02
E-mail: fa@chamber.uz

Хоразм вилояти
Урганч ш.
Баходирхон к. 183 уй
Тел: (0-362) 770-51-01
Факс: (0-362) 770-51-01
E-mail: xz@chamber.uz

Тошкент шахри
Тошкент ш.
Шахзисабз к. 142 уй
Тел: (0-371) 236-25-47
Факс: (0-371) 236-03-53
E-mail: th@chamber.uz

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

ЎЗБЕКИСТОН

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

БУЮК

КЕЛАЖАКНИ

БИРГА

ҚУРАМИЗ!

Тошкент 2021

Тукли эрва (пол-пола) - *Orthosiphon stamineus Benth*

Тукли эрва– *Orthosiphon stamineus Benth*. - Ортосифон тычиночный Lamiaceae – Яснoткагулдошлар оиласига мансуб. Доим яшил, сершох чала бута, бўйи 1,5 м келади. Бизда бир йиллик кўчат қилинадиган ўтсимон ўсимлик бўлиб, бўйи 60 см, баъзан 80 см гача етади. Илдиз тармоғи попук илдиз, ён илдизи юза жойлашади. Поялари тўрт қиррали, бўғимлари ҳаво ранг, ҳар турдаги поялар сони ҳосил йиғгунга қадар 3-4 та, иккинчи ҳосил йиғгунча 5-8 та, мавсум охирида поялар кўплаб тармоқланиб кетади. Япроқларнинг узунлиги 8 см, кенглиги 1-3,5 см, қисқа бандли, қарама-қарши қўшни жуфт баргчаларга нисбатан кўндаланг жойлашган, уларнинг япроғи тухумсимондан то кенг наштарсимонгача бўлган шаклда, уч қисми чўзилган, ўткирлашган, асоси понасимон, чеккалари нотекис, йирик кунгурали.

Тукли эрвани етиштириш технологияси

Ўзбекистонда бир йиллик ўсимлиги ҳисобланади. Ундан хомашѐ олиш учун барча тупроқларда экиш мумкин. Агар тукли эрвадан уруғ олинадиган бўлса бош ўсимликларни албатта теплицаларда сабзавотларга ўхшатиб иссиқхоналарда ўстириб кўчат қилиб ҳам ўтказилади. Ўсимликдан кўчат етиштириш учун март ойларининг бошларида иссиқхоналарда тахтақутиларда 20—25 даража ҳароратда уруғ экилади. Уруғ 1 м 2 ерга 0,5 г сарфланиб, 1—2 мм чуқурликда қадалади. Уруғ экилгандан кейин майсалар 7—8 кунда униб чиқади. Ўсимлик 4—5 марта чин барг чиқарганда кўчатлар далага олиб чиқиб пушталарга экилади. Пушталар 60 см ораликда олиниб, кўчатлар бир-биридан 15—20 см масофада экилади. Ҳар бир уяга 1—2 та ўсимлик жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўртача ҳар бир гектар майдонга 70—75 минг кўчат сарфланади. Ўсимлик экиладиган ерларни кузда маҳаллий ўғит ва фосфор ўғитлари билан озиқлантириб 25—27 см чуқурликда ҳайдаш керак. Эрта баҳорда ерларни бегона ўтлардан тозалаб, культивация, борона ва мола бостириб тупроқни майин ҳолатга келтиришни тавсия қиламиз. Тукли эрвани уруғи жуда майда бўлганлиги учун гектарига 1 кг уруғни қум, кул ва органик қолдиқларга аралаштириб апрель ойида тупроқнинг юза қисмига экилади. Жўяклар олиниб, қатор оралари жилдиратиб суғорилади. Майсалар кўкариб чиққанга қадар тупроқнинг юзаси нам ҳолатда сақланиб туради. Тупроқ ҳарорати 18—20°С га етганда 10—12 кунда майсалар униб чиқади. Майсалар жуда нозик бўлганлиги сабабли 3—5 чин барг чиқарганда уни кўмиб юбормаслик учун эҳтиѐткорлик билан парваришни бошлаш керак. Қатор оралари кетмон билан ўтоқ қилинади, бегона ўтлардан тозаланади ва ҳар 2—3 марта суғорилгандан кейин оралари культивация қилинади. “Пол-пола” ўсимлигини икки хил усул билан ўстириш тавсия этилади.

Биринчи усул- агротехникаси тўғри йўлга қўйилган (албатта кузда яхшилаб шудгорлаган, бегона ўтдан тозаланган, молаланган, чизилланган, текисланган майдонлар танланиши талаб этилади) ерларга оралиғи 60см қилиб олинган эгатларга уруғ сепиш билан амалга оширилади. Март ойи охирлари ва апрел ойларида 10кг/га ҳисобида уруғ сепилади. Уруғларнинг белгиланган майдонга вегетация давомида 8-10 маротаба суғорилади. Хар 2-3 маротаба суғоришдан сўнг культивация ўтказилади ва қатор оралари кетмон билан чопиқ қилинади. Ниҳолларнинг озиқа майдонини тўғри тақсимлаш ва меъёрда ривожлантириш мақсадида улар (бир-биридан 10-15см ораликда хар бир уяда 2-3 тадан) ўтоқ ва ягона қилинади ҳамда парвариш қилинади. *Иккинчи усул*- бу помидор, бақлажон, карам ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари каби “пол-пола” ни ҳам иссиқхоналарда кўчат усули билан етиштириш мумкин. Кўчат етиштириш 18-240 иссиқхоналарда феврал ойининг охири ва март ойининг бошларида амалга оширилади. Бунда 60-30см ўлчамли ва баландлиги 25см ли тахтачалардан яшикли жойлар тайёрланади. Дренаж сифатида яшиклар тубига майда шағал ва йирик донадор қум солинади. Унинг устидан олдиндан 3х3х1 нисбатда тайёрланган аралашма (тупроқ, чириган гўнг ва қум) солинади ва уруғлар сепилади. Намликни сақлаш мақсадида сепилган уруғлар устига ёғич қириндисини 1-2мм қалинликда сепиш мумкин. 1м 2 майдонга 50гр уруғ сарфланади.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши

Маҳсулот поя, барглар ва гул тўпламларидан ташкил топган. Барглари тухумсимон ѐки эллипссимон, текис қиррали, ўткир ѐки тўмтоқ учли, узунлиги 2—3 см гача, эни 0,5—1,5 см, сертукли. Гул тўплами сертукли, бошоқсимон. Гуллари майда, оч яшил, гултевараги 2—5 бўлакли бўлиб, учта гулолди баргчалари билан ўралган. Барглари, пояси ва гултўпламлари сертукли, кулранг-яшил, ҳиди — кучсиз, ѐқимли, аччиқ мазали. Маҳсулот намлиги 7% дан, умумий кули 13% дан, хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эримайдиган кули 8% дан, қорайган қисмлари 7% дан, органик аралашмалар 1,5% дан ва минерал аралашмалар 1% дан кўп ҳамда маҳсулот таркибидаги флавоноидлар йиғиндисининг миқдори рутин бўйича 0,5% дан кам бўлмаслиги лозим. Майдаланган маҳсулот учун 7 мм дан йирик бўлган бўлакчалар 10% дан ва тешигининг диаметри 1 мм ли элакдан ўтадиган майда қисмлар 10% дан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Ишлатилиши

Маҳсулот таркибида флавоноидлар (асосан рутин), эфир мойи ва бошқа кўплаб бирикмалар бор. Маҳсулот сийдик ҳайдаш ва спазмолитик таъсирга эга. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тукли эрва дамламасини республика ҳудудида тиббиѐт амалиѐтида спазмолитик ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатишга рухсат берган.

Пул маблағини йўналтириш

Т/р	Сотиб олинадиган мулк ва хом ашёлар	Миқдор	Ер майдони	Сотиб олиш бахоси (минг сум)	Жами Суммаси (минг сум)
1.	Тукли эрва уруғи	10 кг	1га	15	150
2.	Органик ўғит	10 тонна	1га	0.125	1 250
3	Фосфорли ўғит	40 кг	1га	2,1	84
4.	Азот ўғит	100 кг	1га	2,1	210
5.	Калийли ўғит	50 кг	1га	6,3	315
6.	Ер ҳайдаш	1 марта	1га	300	300
7.	Культивация	3 марта	1 га	50	150
8.	Суғориш	8 марта	1га	100	800
9.	Бошқа харажатлар				1 000
	Жами:				**4 259**